



# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЭЪЁНИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 19 сентябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 74 (7373)

## Da'vat

**Тасодифий кашфиётларни фақат ақли етилганларгина очадди.**

Блез ПАСКАЛЬ

# ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ ЯНА САФИНДА

Кафельников эса Тошкент турнирининг энг садоқатли иштирокчиларидан бири, дея эътироф этилди

Тошкентда катта теннис ҳафталиги ниҳоясига етди. Унинг турнир иштирокчиларию муҳлисларга ҳада этган ҳаяжонли онлари юзлаб оммавий ахборот воситалари ходимларининг сазъ-ҳаракати боис дунёнинг турли нуқталаридаги теннис ишқибозлари қалбларига кўчди.

16 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "Президент кубоги" халқаро теннис турнирининг финал мусобақаларини томоша қилиш учун "Юнусобод" спорт мажмуида ташриф буюрди.

Президент кубоги анъанавий халқаро теннис турнирида яқин йилларда дунё рейтинг таснифининг биринчи рақами мавқеига эришган спортчиларнинг иштирок этгани кўпчиликда қизиқиш уйғотди. АҚШда бўлиб ўтган очик биринчиликдан Юнусободга ташриф буюрган 19 нафар теннисчининг асосий баҳсларда кортга тушгани Тошкент турнирининг мав-

кейдан дарак беради, дейиш мумкин.

Президент кубоги турнирида биринчи ва иккинчи рақам остида қайд этилган катта ракетка усталарининг финал баҳсида рўбарў келиши эса мусобақаларга ўзига хос безак бўлди. Яъни россиялик икки забардаст теннисчи ўтган йилги турнир голиби Марат Сафин ҳамда "Юнусобод"да энг кўп муҳлисга эга бўлган Евгений Кафельниковлар биринчи бор ҳал қилувчи ўйинда кортга тушди. Ҳар икки спортчининг ҳам бу йилги тайёргарлиги, қолаверса Ўзбекистон Республикаси Президенти қўлидан бош совринни қабул қилиб олишга бўлган кучли иштиёқи бунга замин яратган бўлса, ажабмас.

Икки сет натижаларига кўра финалда ҳам ажойиб ўйин намойиш этган Марат Сафин бу йил яна бош совринни қўлга киритди.

Ушбу учрашув ни-



ҳоясига етгач, сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилди.

Мусобақаларнинг ёпилиш маросимидан олдин барча йиғилганлар ўтган ҳафтада АҚШда содир этилган дахшатли террорчилик ҳаракатлари қурбонлари хотирасига бир дақиқа сукут сақладилар.

Ислам Каримов яқунланган спорт байрамининг нуфузи, иштирокчилар маҳорати, муҳлисларнинг самимий муносабати хусусида алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, турнирни муваффақиятли ўтказишда қўшган ҳиссалари учун ташкилотчилар ва журналистларга миннатдорчилик изҳор қилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари маъруза турнир голиби Марат Сафинга мусобақанинг бош соврини — "Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги"ни тантанали равишда

топширди.

Иккинчи бор бош совринни қўлга киритган М.Сафин — Ислам Каримовни томошабинлар орасида кўриш ва Ўзбекистон Президенти ҳузурда теннис ўйнаш менга катта мамнуният бахш этади, дея ўз ҳаяжонларини изҳор этди.

Президентимиз турнир финалчиси Евгений Кафельниковга ҳам мусобақанинг махсус совринини топшириб, уни Тошкент турнирининг энг садоқатли иштирокчиси, деб атади.

Ўз навбатида, Е.Кафельников яқин йилларда "Президент кубоги"ни қўлга киритиш энг катта мақсадларидан бири бўлиб қолганини таъкидлади.

Якка ва жуптлик баҳсларида голиб бўлган теннисчиларни тақдирлаш маросими яқунланган Ислам Каримов саккизинчи бор ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги" халқаро теннис турнирини ёпиқ деб эълон қилди.

## JUM'ADA JANON

• **Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.**

• **Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон давлат ташқи ишлар вазири Умар Абдулла Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов билан учрашди.**

• **Бутун дунёнинг эътиборини тортган АҚШдаги террорчилик хуружига жавобан амалий чоралар кўриш учун Америка ҳукумати 40 миллиард доллар миқдоридан маблағ ажратди ва ушбу тadbир аксарият америкаликлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.**

• **Афғонистонда Талибон ҳаракатига қарши шимолий ҳудудларда курашиб келаётган муҳолифат етакчиси Аҳмад Шох Маъсуднинг вафоти муносабати билан уюштирилган дафн маросимида иштирок этган генерал Дўстим Шох Маъсуднинг ўлими билан толибларга қарши кураш тугамаслигини ва бу ишда ўзи фаол бўлишини таъкидлади.**

## ЭГИЗАК ҚУВОНЧЛАР

Мустақиллигимизнинг шуқуҳли 10 йиллиги тантаналари нишонланаётган кунларда Жалолқудқ туманидаги 15-мактаб ўқувчилари кўш шодиёнининг гувоҳи бўлдилар. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан тумандаги барча ташкилот ва муассасалар иштирокида ҳашар йўли билан 420 ўринли кенг ва ёруғ хоналари энг зарур, замонавий жиҳозлар билан таъминланган мактаб тез фурсатда қурилиб фойдаланишга топширилди.

Туман ҳокими Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Манзурахон Эгамованинг таъкидлашича, мактаб қурилишига тумандаги барча ташкилот, муассаса ва жамоа, ширкат ҳўжаликлари барабар ҳисса қўшдилар.

Маъруза тумандаги "Болгария" ширкат ҳўжалигида ҳам 220 ўринли мактаб истиклол тўйи кунларида фойдаланишга топширилди. Ширкат ҳўжалигининг маблағига қурилган ушбу мактаб ҳам бугунги кун талабаларига тўла жавоб беради.

Янги бинода янги ўқув йилини бошлаган ҳар иккала мактабнинг ўқитувчиларию ўқувчиларнинг қувончлари бир олам.

Олтинқўл туманидаги "Туркистон" ширкат ҳўжалигида истиқомат қилувчи тadbиркор Ҳабибулло Махсумов савоб ишга қўл урди. Ҳабибулло аканинг маблағи ҳисобидан 330 ўринли мактаб қурилиб фойдаланишга топширилди. Мактабнинг очилиш маросими туман аҳолиси шодиёнасига айланиб кетди. Ўқитувчилар, ота-оналар саҳоватли инсон Ҳабибулло Махсумовга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

— Мактаб қуриш гоятда савоб иш, — дейди тантананда иштирок этган вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Тўхтасин Мирзаев, — зеро, Ҳабибулло Махсумовдек инсоннинг фидойилиги, саҳовати бу ерда таҳсил олаётган ҳар бир ўқувчига ибрат намунасидир. Улар бу ерда билим ва тарбия олар эканлар, саҳий ва фидойи инсонлар миллитимизнинг ишончли таянчлари эканлигини ҳис қилиб турадилар.

Янги мактабда машғулларни бошлаган 20-мактаб ўқувчилари ҳаммаша аъло ўқишга, Ватанга муносиб фарзандлар бўлишга ваъда бердилар.

О.СИДДИҚОВ

Бугунги кунда юртимизда таълим соҳасида бўлаётган ўзгаришлар келажакда, албатта, ўз натижаларини беражак. Айниқса, ёш мутахассисларга бўлган эътибор диққатга сазовордир. Бундай илоҳотларни амалга оширишда эса ҳар бир шахснинг ўзи ўрни ва вазифаси бор. Ана шу илоҳотларни амалга ошириш мақсадида яқинда Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ёш педагогларни қўллаб-қувватлаш, уларга ўз илгор ҳамкасблари тажрибасини етказиш мақсадида

## Seminar

дастуридан ўрин олган Давлат таълим стандартларини бажариш, ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўргатиш, Мустақиллик дарслари каби мавзуларда ёш ўқитувчиларга тавсиялар берилди. Ўқитувчилар институт кутубхонаси ва "Интернет" билан таништирилди.

— Тадбирни ўтказишдан асосий мақ-

## ЁШ МУТАХАССИСЛАР МАКТАБИ

"Ёш мутахассис мактаби"нинг методик ҳафталиги ўтказилди. Унда 700 нафар ёш ўқитувчилар қатнашди. Ушбу тadbир ҳар йили сентябрь ойининг бошида ўтказилади.

Ушбу методик ҳафталик фанлар бўйича алоҳида кўнларга бўлинган. Лекин бунга қарамасдан унинг ҳар кунлик вазифаси бир хил. Яъни, қайси фан ўқитувчиси бўлишдан қатъи назар, методик ҳафталикнинг кундалик мавзуларини эшитиши шарт. Масалан, тadbир

сад, — дейди биз билан сўхбатда ТШУМОИ директор ўринбосари Умар Зиёев — бу ўқитувчилик касбини танлаб, унда эндигина ўз фаолиятини бошлаган ўқитувчиларга ёрдам беришдан иборатдир.

Даржаикат, биз бу тadbирда қатнашганимизда, унинг қанчалик маъсулият билан ташкиллаштирилганига гувоҳ бўлдик. Ҳафталик ўқув таълим жараёнида ўз самарасини беради.

Фарход ЭРДОШЕВ

## "Yil o'qituvchisi-2001"

Алишер Навоий, Темурийлар тарихи Давлат музейлари зиярат қиладилар. Шундан сўнг улар Республика Таълим марказида ҳакамлар ҳайъати, эксперт комиссияси аъзолари билан

дилар.

26 сентябрь куни кўриктанлов қатнашчилари ўз касб-корини улуғлай олиши ва эъзозлаши, мураккаб педагогик ва психологик вазиятларда оқилона йўл тутиши, буш вақтлардан самарали фойдаланишлари каби шартлар бўйича ўз касбий ва бадиий маҳоратларини саҳнада намойиш этадилар.

Хуллас, шу куни натижалар эълон қилиниб, совриндорлар аниқланади.

Турсуной АБДУЛЛАЕВА, ХТВ бош мутахассиси, Уғиллой ЮСУПОВА, РТМ методисти.

"Йил ўқитувчиси-2001" Республика кўрик-танлови қатнашчилари билан 2-бетда танишинг

## ЎН ТҮРТ НАФАР УСТОЗ ЎЗАРО БЕЛЛАШИШАДИ

ва шулар асосида амалга оширилаётган ишлар асломоҳияти, маъно ва мазмунини англаган ҳолда ёшларнинг ҳар томонлама ҳам маънан, ҳам жисмонан етиқ, баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда муносиб ҳиссаларини қўшиб, ўз вилоятларида бир неча босқичлар

лар" кунини нишонлаш арафасида (23-26 сентябрь кунлари) ўтказилишида ҳам узига хос рамзийлик бор.

Ҳар шундаки, кўрик-танлов халқимиз руҳияти кутарилган ва янги режалар тузаётган бир пайтда ўтади. 23 сентябрь куни иштирокчилар Алишер Навоий ва Хотира майдонлари ҳамда

учрашадилар ва сўхбатдан ўтадилар. Шу куни иштирокчиларнинг компьютер саҳоватлиги синалади. Шунингдек, улар билан Президент асарлари юзасидан сўхбат ҳам ўтказилади. 24-25 сентябрь кунлари эса Тошкент шаҳридаги 110-мактаб ҳаёти билан танишадилар ҳамда очик дарслар ўта-

Янги манба 2-бет

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — мустақиллик инъоми 2-бет

Ma'rifat маслаҳатхонаси 2-бет

Yangi alifboni o'rganamiz 3-бет

Янги руқн: ДИҚҚАТ, ЧОРРАҲА 4-бет



ТАЛАБАЛАРГА ИМКОНИАТ  
Франциядаги Нанта университети маъмурияти талабалар учун яна бир қўлайлик яратиб берди — муассасада хоржин, дармонсиз, ҳаёлпараст талабалар учун махсус дам олиш хоналари ташкил этилди. Талаба исталган пайтда бу ерда дам олиб, қувватини тиклаб олиши ва яна дарс машғулларини давом эттиравериши мумкин.

ҲАВОДАГИ ПОЙГАЛАР  
Мутахассислар томонидан махсус оптик асбоблар воситасида айрим кушларнинг учуш тезликлари аниқланган. Масалан, қарғалар соатига 49,5-72,4, майда чумқуқсимонлар — 32,2-59,6, қуғурқуқлар — 61,2-78,9, гоълар — 67,6-88,5, ўрдақлар — 75,8-95,0, бургутлар — 64,4-77,3, каптарлар — 48,3-67,0, балкичи қушлар — 54,7-86,0 километр тезликда учар экан.

НОЁБ ТОПИЛМА  
Темир кашф этилгандан кейин инсоният тарихида буюқ ўзгаришлар юз берганлиги маълум. Ўзбекистон ҳудудидан топилган энг қадимги темир буюмлардан бири бронзадан ясалган пичок бўлиб, унинг дастасидаги гуллихлар темирдан ясалган. Бу топилма аждодларимиз милoddан аввалги XV-XIII асрлардаёқ темирдан фойдаланганлигидан далолат беради.

ТОБОРА ОММАЛАШМОҚДА  
Хитойда уяли телефонлардан фойдаланиш тобора оммалашмоқда. Айни пайтда бу мамлакатда 120,6 миллион киши ана шундай телефонлардан фойдаланишда ва бу рақам дунё мамлакатлари ичида энг катта кўрсаткичдир. 2005 йилга бориб, бу рақам 260 миллион нафарни ташкил қилади, дейишмоқда хитойлик алоқачилар.





Республика буйича ўтган саккиз ой давомида 1747 та болалар иштирокда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси аниқланди. 697 та шундай ҳодиса бевоқифа болалар айби билан юз берган.

Микробиологлар муомалада юрган барча долларларни текширишдан ўтказишар экан, нафас ўқиларига зарар etkazувчи минглаб микроблар мавжудлигини кўрсатди.



Diqqat, chorraha!

Фалокат қош билан қовқоннинг ўртасида гуради, дейишди. Яна биз ҳар куни "фалончини машина уриб кетибди, фалон жойда жуда ёмон авария бўлибди, фалон қўшнингнинг боласи авария бўлган эди..." деган гапларни эшитамиз. Ва мана шу эшитилганларимиз асосида йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида ҳар биримиз ўзимизча хулоса чиқарамиз. Купинча йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлгандан сунг ҳайловчи айбдор бўлиб қолади. Аслида ҳам шундаймикан? Ахир, қарс икки қўлдан чиқди-ку. Ҳар бир йўловчи ҳам, ҳайловчи ҳам йўлларда ҳаракатланиш маданиятини улаштириб олса, ҳаракат хавфсизлиги қондаларига риоя қилиб юрса, бу каби оқибати аянчли тугайдиган воқеалар қамқор руй берармикан? Ҳаммани,ота-оналарни ҳам, ўқитувчиларни ҳам, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳодимларини ҳам бир нарса — болалар билан боғлиқ булгандан йўл-транспорт ҳодисалари ва бу ҳолисалар натижасида болаларнинг бир умрга ногирон бўлиб қолиши ёки бевақт ҳалок бўлиши ташвишга солади. Мана шу ташвиш ҳеч кимнинг бошига тумаслашти учун уйда, мактабда, маҳаллада катта ёшли кишилар болаларга автомобиль йўли ёқларида қандай ҳаракатланиш зарурлигини, қучани кесиб ўтаётганда нималарга аҳамият бериш кераклигини, хисқаси, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини мунтазам равишда ўқитиб, ургатиб боришлари керак. Республика буйича ўтган саккиз ой давомида 1747 та болалар иштирокда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси аниқланди. 697 та шундай ҳодиса бевоқифа болалар айби билан юз берган.



Тошкентда якувланган «Президент кубоги» ҳалқаро теннис турнирининг асосий турида иштирок этган 32 нафар теннисчи ўртасида бўлиб ўтган ўзаро учрашувлар Сиз кўриб турган жаҳвалда ўз аксини топган. Турнирда 1-рақам остида иштирок этган Марат Сафин ҳақли равишда финалгача етиб борди ва якувланган учрашувини ҳамюрти, турнирнинг 2-ракетқаси Евгений Кафельниковга қарши муваффақиятли ўтказиб, бош совринни қўлга киритди. Суратларда: якка ва жұфтлик баҳслари финал учрашувларидан лавҳалар. Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



ОЎҚ ОСТИДАГИ ФАЛОКАТ

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳодимлари ва муаллимларнинг ҳамкорлигида сай-ҳаракатиға қарамасдан Тошкент вилоятида ўтган саккиз ой мобайнида 231 та болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган. Бу ўтган йилнинг 8 ойига солиштирганда (ўтган йилнинг саккиз ойида 217 та) 6.5 фойизга ошганлигини кураатади. Қашқалард вилоятида ҳам саккиз ой натижалари буйича 98 та йўл-транспорт ҳодисаси суй берган. Бу 10.1 фойизга кўпайди, дегани (2000 йилнинг саккиз ойида 89 та эди). Республика буйича ушбу ҳодисалар тугайли 264 нафар бола бу дунёни бевақт тарк этган бўлса, 1568 нафар бола турли даражадаги тан жароҳати олиб, ногирон бўлиб қолди. Мисолларға мурожаат қиламиз. Жорий йилнинг 21 августида соат 16 лар атрофида Тошкент тумани Ўзбекистон жамоа ҳужалиғи Баҳодирхожи кучасида яшовчи, 1970 йилда туғилган Т.Ҳақимов "М-2140" русумли ИЕ 92 82 рақамли автомобилда йўлни юзуриб кесиб ўтаётган пиеда, 1993 йилда туғилган Доно Умаровани уриб юборган. Натижада Д.Умарова касалхонада вафот этган. Жиззах шаҳрида бир ойла бир неча йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган бўлса, уларнинг учтасида мактаб ўқувчилари бўлган болалар ҳалок бўлган. 8 августда соат 20.30 лар атрофида Раватлик маҳалласи Муҳаммадиев кучасида ВАЗ-2101 русумли, 13 С 22 95 давлат рақам белгиси машина ҳайдовчиси 1991 йилда туғилган З.Ҳудойкуловни уриб юборган. Бунинг оқибатида 3.Худойкулов воқеа жойида вафот этган. 19 август куни эса Ш.Рашидов кучасида РАФ-2203 русумли 13С 49 04 давлат рақам белгиси машина ҳайдовчиси ҳам 1997 йилда туғилган Хулқар Йўлдошевани уриб юборди, бу қизча ҳам воқеа жойида ҳалок бўлди. Бундай аянчли воқеалар республикамизнинг барча вилоятларида, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам тез-тез содир бўлиб туради. 27 август куни соат 9.45ларда Туртқул тумани Қозогистон кучаси 15-уйда яшовчи ҳайдовчи Рашид Бердиметов "ВАЗ-2107" русумли 23С 20 20 давлат рақам белгиси автомобилда А-380 автомобиль йўлининг 140-километрида Беруний тумани Килтобто жамоа ҳужалиғида яшаган 1994 йилда туғилган Айдиной Утемуратовани уриб юборган, Айдиной воқеа жойида ҳалок бўлган. Озгина эгибдорлик, яна озгина масъулиятсизлик бир инсоннинг умрига нукта қўйса, яна бошқа бир тақдир эгасига тавқи лангач юқлади. Қўнчилик ҳождлари болалар айби билан йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди, дейимиз. Аслида асосий айбдор биз катталар эканлигини тан олгимиз келмайдими. Бу беғубор ҳаётни, ҳаракатни тўшунмайдиган фарзандларимизнинг беғуно ва беайб эканликларини чуқур ўйлаб курақак ва тегишли хулоса чиқариб оласк буларди. Мана шундай оқибатларнинг олдини олишимиз учун, ҳар бир ота-она ўз фарзандига, ҳар бир муаллим ўз ўқувчиларига доимо йўлларда ҳаракатланаётган вақтда хушёр бўлиши лозимлигини, ҳар бир боланинг нотури қалам унинг ҳаётига хавф солишини эслашиб турмоғи шарт. Мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида "йўл ҳаракати қондалари" машғулотларини болалар учун қизиқарли ҳолда олиб бориш, синфлар ва бурқаклар ташкил этиш, уларнинг жиҳозлаш, турли қизиқарли ўйинлар, жумладан, компьютер ўйинларини ташкил этишга эгибдор қаратилиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиғига бағишлаб информатика фани буйича "Ўзбекистон тараққиёт сари" кўрик-танловини ўтказилади. Кўрик-танлов 2001 йил ноябрь ойида информатика байрами билан якувланади. Кўрик-танловда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими муассасаларининг ўқувчилари (якка тартибда ёки 2-3 кишилик жамоа билан) иштирок этишлари мумкин. Кўрик-танлов қуйидаги номинациялар буйича ўтказилади: 1. Ўқув компьютер программалари. 2. Амалий программалар. 3. Интернет сайтлари. 4. Компьютер графикаси ва мультимедия. 5. Информатика олимпиадаси. 6. Кийбординг мусобақаси. 7. Оригинал жанр. Кўрик-танловда иштирок этиш истагини билдирувчилар қуйида келтирилган ҳайъат манзилига шу йил 20 октябргача ариза билан мурожаат этишлари лозим. Аризада иштирокчи(лар) ва у(лар)нинг илмий раҳбарлари, қайси номинацияларда иштирок этишлари, тақдим этилаётган программалар ҳақида тўлиқ маълумотнома берилиши керак.

Ҳайъат манзили: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази. Академик лицейлар бошқармаси, М.Якубовага. Телефонлар: 139-44-38, 139-44-37. Электрон почта: litseyalar@markaz.tkt.uz

Xullas...

ПУЛЛАРНИ ТОЗАЛАШ КЕРАК

Ҳали таҳи бузилмаган, рақам ва безаклари кузни қувнатидан янги пулда касалиқ кузатувчи ҳеч қандай бактериялар йўқ. Аммо у қулдан-қулга ўтиши оқибатида инфлосаниб, микробларнинг усига айланар экан. Америкалик микробиологлар узининг асл ҳолини йўқотган пуллари кимёвий усулда тозалашга бериш тақлифини айтишмоқда. Бундай пулар, айникса, биринчи навбатда, касалиқ билан курашиш қобилиятига эга булмаган қариларга катта хавф тугдирди. Шахсий кредит қарточкалари бундан мустасно. Микробиологлар муомалада юрган барча долларларни текширишдан ўтказишар экан, нафас ўқиларига зарар etkazувчи минглаб микроблар мавжудлигини кўрсатди. Шунингдек, пешоб йўллари ҳам инфлосанган доллар ўз бактерияларини тез ўтказар экан. Усма касалликларда эса у яна ҳам каттароқ "роль ўйнайди". Микробиологлар пулни қай тариха кимёвий усулда тозалаш ҳақида бош қотиршияпти.

ИСПАНИЯДА АРЗОНЧИЛИК ЭМИШ

Экспертлар ҳар қайси мамлакатдаги озиқ-овқат махсулотларининг нарқлари билан қизиқиб куришганида, бир-бирдан қолдишмайдиغان ҳолга қол келдилар. Европа давлатларидан йилгилан "озиқ-овқат савати"да Голландия биринчи уринни ишғол этар экан. Швеция ундан кейинги уринда. Франция ва Бельгияда курашқичлар эса бир хил. Гарб давлатлари орасида Испания арзончилик ҳужм сураётган жой дея тан олинди. Хуш, бу нимани кураатади? Бунга солиқ тизимидаги паст баҳолар "сабаб" экан. Қолаверса, Испанияда озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариладиган қорхоналар у қалар куп эмас, яъни рақобат йўқ. Демак, бу мамлакатдаги арзончиликка ҳавас қилмаса ҳам бўлади. "ХОНАНГИЗДА ГУЛЛА ТУРСИН!" Ҳис-туйғуга берилувчан ижодкорлар шундай деса, ҳеч қим ажабланимайди. Туркия мамлакатни молия вазирлигидаги жаноблар ҳозирги вақтда нимагадир ана шу шиорта "ёпишиб" олишди. Зарурат бўлмаганда, лифтини учириб қўйиш, телефонграмма ва бошқа хабарларни олдатиғи телефондан эмас, балки факс ва Интернет орқали бориши, иш столини дерзанинг олдига уратиб ва ҳоказо. Вазирликнинг яна бир муҳим шиори: "Зарурат бўлгандагина фойдаланинг!" Энг ҳайратланарли масала ҳат эса, гуллarga тегишли бўлиб чиқди. Янги узилган гуллардан кура, сунъий букетларни сотиб олиш керак экан. Чунки улардан доимо фойдаланишингиз, қараб баҳри-дингиз очилиши мумкин.

ana shunaqa gaplar...

S ЖҲ-2002 Кундалигидан Жаҳон чемпиони иккинчи босқич саралаш учрашувларининг биз учун энг муҳими — Ҳитой-Ўзбекистон матчи кутибнишдек якуланмади — 2:0. Ушбу натижа терма жамоамизнинг асосий босқичга ўтишлари учун жиддий тўғанок бўлиши мумкин. Навбатдаги учрашув "Пахтакор" ўйингоҳида 22 сентябрь куни БАА футболчилари билан бўлиб ўтади.

"НАСАФ" КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА Осиё чемпионлари кубогига иштирок этаётган "Насаф" футболчилари Туркманiston чемпиони "Копет Доғ" клубини, иккинчи ўйинда ҳам мағлуб этиб чорак финалга йўл олди. Навбатдаги рақиби Тожикiston чемпиони "Умид" жамоаси. Учрашувлар: 20-27 октябрь кунлари бўлиб ўтади.

5 ЧЎҚҚИ ЗАБТ ЭТИЛДИ Франциядан келган хушхабарда айтилишича, мамлакатимизда алпинистлари Монблан йўлидаги бешта чўққини — Дюмэр (3848 м.), Монблан (4807 м.), Де Токул (4248 м.), Дон Дугавер (4304 м.) ва Оз Дугавер (3836 м.) ни забт этди. Об-ҳавонинг ноқулайлиги боис айрим чўққилар ҳали олдинда.

ТОШКЕНТДА ПРОФЕССИОНАЛ ШУ йил 21 сентябрь кунин Тошкентда профессионал боксчилар ўртасида ажойиб шоу бўлиб ўтди. Унда ҳамюртларимизнинг ҳам иштирок этаётгани барчанга бирдек қувонтириши табиий. Айниқса, олимпиа чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг профессионал рингдаги навбатдаги учрашуви сизни бефарқ қолдирмайди.

Хўрматли Низомий номидаги ТДПУ мактабгача тарбия факультетининг битирувчилари! Педагогика ва психология факультетида сизни 2001 йил 26 сентябрь соат 14.00 да ўтказилажак "Авлодлар учрашуви" байрам кечасига лутфан тақлиф этамиз. Низомий номидаги ТДПУ Ректорати.

ЭҲМ ТАРИХИДАН насидда шoir Жорж Гордон Байроннинг қизи Ада Лавлейс (1816-1852) ишлаган. Уни ҳақли равишда биринчи дастурчи (программист) деб аташади. Дастурлаштиришнинг замонавий тилиридан бири — Ада унинг номи билан аталган. Чарльз Беббиж маълумотларни тешилган андозлар ёрдамида тасвирлашдек, ўзига маълум тамоиллардан фойдаланган, яъни перфокарталар ва перфоленталарнинг намунаси XIX аср бошларидаёқ мавжуд эди. Кейин эса узок вақт иттиричиларнинг эътиборидан четда қолди, холбуки, улардан турли қурилма ва машиналарда фойдаланиш мумкин эди. ЭҲМга маълумотларни киритиш усулларини излашганда, уларни эслаб қолиши. Тешилган андозларнинг мохияти содда; тешикнинг борлиги "бир"ни, йўқлиги эса "нол"ни англатади. Улардан фойдаланиш учун бошлардан маълумотни 0 ва 1 рақамларидан ташкил топадиган код орқали эшиш лозим. Сунгра ЭҲМда ёруғлик нури тешикнинг бор-йўқлигини текширади ва шунга қараб, маълумот қодининг эшилиши бажарилади ёки бажарилмайди. Кейинчалик хисоблаш техникасида перфокарталар ва перфоленталар магнитли ленталар билан тўлиқ алмаштирилган. Маълумотни сақлаш тамоилли аввалгидек қолган — лентага иккита ҳолат; 1-магнитланиш бор, 0-магнитланиш йўқ ҳолатларига мос келувчи магнитли ёзув ёзилади. Бирок ҳали лентани ўраш жароғини секин боради. Магнитофоннинг асосий афзаллиги кичик ўлчамли қурилмаларда катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш мумкинлигидадир. Бундан ташқари, битта магнитли лентага маълумотларни қайта-қайта эшиш мумкин, аммо тешилган андозларнинг фойдаланишга мўъалланган. Ҳозир эса уларнинг ўрнига турли-туман дискетлар ишлатилмоқда. Малоҳат НАЖМИДИНОВА, УМКҲТРИ катта ўқитувчиси

Хўрматли ҳамшаҳарлар! "Беғуборлик" ақли заиф ва етим болаларга гамаҳуриги ва устозлик қилиш Маркази ўқиси ва болалар боғчасидан четлатилган, ақли заиф болаларга хизмат қилиш ва ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган. Бу ҳаракатга қўшилиб "Беғуборлик" Марказининг хизматларидан фойдаланмоқчи бўлсангиз 42-77-72 га 10-19:00 гача, 49-44-32 телефонига 19-21:00 гача мурожаат қилишингиз мумкин.

Ma'rifa! ТАСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Ҳалқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шўқур ЖОНБОВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбанбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақоалалар муаллифлари масъулдилар. «Ma'rifa!»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рўхсати билан амалга оширилиши шарт. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-54-23. Газета материаллари «Ma'rifa!-Madadkor» наприётида терилди Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифаллади. Навбатчи муҳаррир: Курбанбой МАТҚУРБОНОВ, Навбатчи: Фарҳод ЭРДОШЕВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган. ИНДЕКС: 149, 150, Г-2817. Тиражи 14.802. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма бағич, Обфет усулида босилган, қозоб типмаши А-2. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқасида chop этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй Босишга топширинг вақти — 20.00. Топширилди — 21-20